

14/22 - сонли ШАРТНОМА
(Лойиҳавий таъминлаш)

Тошкент ш.

“26” 09 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК номидан директор Д.Юсупов ва кейинги ўринларда Пудратчи деб юритиладиган “YO‘LINJINIRINGLOYIHA” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор К. Рўзиев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 августдаги 138-сонли Раёсати мажлисининг баёни асосан қарори, Танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 21 сентябрдаги 14997-сонли баёни, тасдиқланган лойиҳа-қидирув ишлари манзили рўйхатига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда 4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мазкур ҳужжатларни белгиланган тартибда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йил 15 сентябрдаги тасдиқланган Р-184-сонли топшириққа ва соҳага оид қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга, қидирув ишларини бажаришга, лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказиб ижобий хулоса олишга, муаллифлик назорати олиб бориш ва техник шартларни ва АПЗ тайёрлаш, объектининг лойиҳавий таянч нуқталарини жойида боғлаш (разбивка) билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қидирув ишларини бажариш, ижобий экспертиза хулосасини олиш ва буюртмачига топшириш ишлари, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, 25 кун муддатда тугатилади (муаллифлик назорати ишларидан ташқари). Ушбу муддатларда бажарилмаган ишлар учун белгиланган тартибда пеня ҳисобланади ва ундирилади.

1.5. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларига ижобий экспертиза хулосасини олгандан сўнг 15 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Ушбу шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь. Кейинги йилга ўтса қўшимча келишув имзоланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари

2.1. Шартноманинг баҳоси 1-иловага мувофиқ ҚҚС билан 439 282 800 (Тўрт юз ўттиз тўққиз миллион икки юз саксон икки минг саккиз юз) сўмни (шундан 2022 йил 430 496 800 (тўрт юз ўттиз миллион тўрт юз тўқсон олти минг саккиз юз) сўми лойиҳа ва қидирув ишларини ишлаб чиқишга, 8 786 000 (саккиз миллион етти юз саксон олти минг) сўми объектда муаллифлик назорати ишларини бажариш учун ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 15 кун ичида жорий йилда бажариладиган ишлар ҳажмидан 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Пудратчи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ичида ажратилган аванс маблағи миқдори тўлиқ ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, пудратчи томонидан экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз миқдоригача тўлов учун қабул қилинади.

Объект бўйича экспертиза хулосаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлари Буюртмачига юк хати орқали тақдим этилгандан кейин қолган маблағ (муаллифлик назорати харажатларидан ташқари) топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6. Экспертиза хулосаси олингандан сўнг шартноманинг умумий экспертиза томонидан тавсия этилган объектнинг қурилиш нархига асосланган ва буюртмачи билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин, бунда объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш ишлари учун қўшимча шартнома имзоланади.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши; тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво аризасидан ишда қатнашишга Пудратчини жалб қилиши шарт.

3.2. Пудратчи Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиб, ижобий хулоса олишни ўз зиммасига олади.

3.3. Пудратчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли. Пудратчи ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

3.5. Пудратчи Лойиҳа ва қидирув ҳужжатлари асосида объект қурилиши жараёнида муаллифлик назоратини амалга оширади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Пудратчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Пудратчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Пудратчи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш, шартномани бир тарафлама бекор қилиш мумкин эмас.

6.4. Пудратчи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини ёзма равишда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни ўрнатилган тартибда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

6.6. Буюртмачи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

6.7. Пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил
йўллари қуриш ва реконструкция қилиш
дирекцияси” ДУК

100000.Тошкент шаҳри,

Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.

Тел: (71) 237-32-04

х/р: 3045 1086 0262 6970 45 112 118 118

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳазначилиги Амалиёт бошқармаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014 ИНН: 304 803666

МБ, Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ



Директор

Д.Юсупов

“Пудратчи”

“YO'LINJINIRINGLOVINA” МЧЖ

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,

Чингиз Айтматов кўчаси, 36

Телефон: 71 202-11-33

х/р: 2020 8000 0045 5526 3001

“Трастбанк” ХАБ Тошкент ш.

МФО 00491, СТИР 300 045 402

ОКЭД 71120



Директор

К. Рўзиев

2022 йил “26” 09 даги
14/22-сонли шартномага 1- илова

Шартнома баҳосининг келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар 4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил “__” _____ даги 14/22-сонли шартнома баҳоси жами ҚҚС билан 439 282 800 (Тўрт юз ўттиз тўққиз миллион икки юз саксон икки минг саккиз юз) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида ўзаро ҳисоб–китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК
100000.Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.
Тел: (71) 237-32-04
х/р: 3045 1086 0262 6970 45 112 118 118
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазначилиги Амалиёт бошқармаси
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО: 00014 ИНН: 304 803666

МВ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ



Директор

Д.Юсупов

“Пудратчи”

“YO‘LINJINIRINGLOYUNA” МЧЖ

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
Чингиз Айтматов кўчаси, 36
Телефон: 71 202-11-33
х/р: 2020 8000 0045 5526 3001
“Трастбанк” ХАБ Тошкент ш.
МФО 00491, СТИР 300 045 402
ОКЭД 71120



Директор

К. Рўзиев

2022 йил «26» 09 даги
14/22-сонли шартномага 2- илова

4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

минг сўм

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш муддати		Молиялаштириш муддати	
			2022 йил	2023 йил	2022 йил	2023 йил
	Аванс тўлови				129 149,040	
1	Топография ва геология ишлари, диагностика ишлари, Атроф муҳитга таъсир баёни (ЗВОС), Лойиҳа-смета ишлари, Экспертиза харажатлари	430 496,800	430 496,800		301 347,760	
2	Муаллифлик назорати	8 786,000		8 786,000		8 786,000
	Жами ҚҚС билан:	439 282,800	430 496,800	8 786,000	430 496,800	8 786,000



[Handwritten signature]

Ишчи лойиҳа - смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш шартнома лойиҳаси бўйича

ЮРИДИК ХУЛОСА

(Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ)

2022 йил 26 сентябрь

Тошкент ш.

"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК (Кейинги ўринларда – Буюртмачи деб юритилади) ва "YO'LINJINIRINGLOYINA" МЧЖ (Кейинги ўринларда – Пудратчи деб юритилади) ўртасидаги 4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6.93 км. км.даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш объектининг ишчи лойиҳа - смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш ҳақидаги шартнома лойиҳаси (Кейинги ўринларда – Шартнома деб юритилади)ни Буюртмачининг Юридик хизмати ҳуқуқий экспертизадан ўтказди.

Ҳуқуқий экспертиза натижасида қуйидагилар аниқланди:

Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, шу жумладан кодекснинг 37-боб талаблари ҳамда бошқа Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шартномадан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлик меъёри Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-боб талабларига мувофиқ келади.

Шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 31 августдаги 138-сонли баени талаблари, Харид комиссия йиғилишининг 2022 йил 21 сентябрдаги 149971-сонли, Танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 24 сентябрдаги 149971/1-сонли (лот 149971) баенларига асосан тузилган.

Мазкур хулоса Шартнома лойиҳаси шартларининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши хусусида берилди.

Юридиконсулт

 Ш.Батиров

"ТАСДИКЛАЙМАН"
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
хузуридаги Автомобил йўллари кўмитаси

Ш. Назаров

"08"

2022 йил



"КЕЛИШИЛДИ"
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири Уринбосари

А.Хайдаров

"08"

08

2022 йил



Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларида жойлашган таъмирталаб ва авария ҳолатидаги кўприклар ва бошқа сунъий иншоотларни мукамал таъмирлаш объектларининг лойиҳа-қидирув ишлари бўйича 2022 йил 5 сентябрь ҳолатига

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

(млн сўм)

№	Лойиҳалаштириладиган объект номи ва манзили	Лойиҳалаштирилган объект куввати (мос қиймагларда)	Қурилиш ишлари бошланғич йили	Қурилишнинг тахминий ҳисобланган умумий қиймати	Лойиҳа босқичи ДТИА, ТИА, ДТИХ, ТИХ, ИЛ, ИХ, ТХ	ЛҚИ нинг объектлар бўйича қиймати	2022 йил 1 январ ҳолатига бажарилган ЛҚИ	2022 йил 1 январ ҳолатига ЛҚИ нинг қолдиқ қиймати	2022 йилда кутилаётган ЛҚИ	ЛСХ ларини буюртмачига топшириш, буюртмачи томондан тасдиқлаш шартлари	Лойиҳалаштириш учун асо, (ВМ қарорлари, Фармойишлари, топшириқлари ва х.к.)	Лойиҳаловчи институт номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	A380 "Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 590,6 км даги кўприкни мукамал таъмирлаш	58,1 пм	2022	3 500,0 ✓	ИЛ	70,0 ✓		70,0 ✓	70,0 ✓	2022 йил	ЎЗР ВМ раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, 80500-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
2	M41 "Бишкек-Душанбе-Термиз" автомобиль йўлининг 508 км даги Майлисой устидан ўтган кўприкни мукамал таъмирлаш	54,6 пм	2022	2 900,0 ✓	ИЛ	58,0 ✓		58,0 ✓	58,0 ✓	2022 йил	ЎЗР ВМ раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, 80613-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
3	4P208 "Қизилтепа ш.-Ўртачўл қ.-Хуросон қ.-Тўдакўл қўли" автомобиль йўлининг 9,7 км даги кўприкни мукамал таъмирлаш	28,3 пм	2022	1 700,0 ✓	ИЛ	34,0 ✓		34,0 ✓	34,0 ✓	2022 йил	ЎЗР ВМ раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, 80624-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
4	4P126 "Балиқчи қ.-Мингбулок қ.-Найман қ.Пунгон қ." автомобиль йўлининг 26+098 км қисмидаги кўприкни мукамал таъмирлаш	44,2 км	2022	4 000,0 ✓	ИЛ	80,0 ✓		80,0 ✓	80,0 ✓	2022 йил	ЎЗР ВМ раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, 80631-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
5	4P25 "A373 автойўли-Сайхун к.-Бахт ш.-Қозоғистон Республикаси чегараси" автомобиль йўлининг ПК49+600 км даги кўприкни мукамал таъмирлаш	54,6 км	2022	4 500,0 ✓	ИЛ	90,0 ✓		90,0 ✓	90,0 ✓	2022 йил	ЎзР ВМ раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, 80683-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиха бюроси" МЧЖ
6	4P12 "Бектемир ш.-Чирчик ш.-Ғазалкент ш.- Чорбоғ кўргони" автомобиль йўлининг 32+600 км даги кўприкни мукамал таъмирлаш	66,0 км	2022	3 600,0 ✓	ИЛ	72,0 ✓		72,0 ✓	72,0 ✓	2022 йил	ЎзР ВМ раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, 80641-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиха бюроси" МЧЖ
7	4K872 а "Зодиёнпахта пункти-Қайрағоч қ. автомобиль йўлидан Хуррамобод кишлоғига" автомобиль йўлининг 8 км даги кўприкни мукамал таъмирлаш	28,5 км	2022	2 200,0 ✓	ИЛ	44,0 ✓		44,0 ✓	44,0 ✓	2022 йил	ЎзР ВМ раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, 80647-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиха бюроси" МЧЖ
8	4P164 "Хонқа ш.-Янгиарик қ.-Чигирчик қ.-Хива ш." автомобиль йўлининг ПК129+00 км ва ПК338+12 км даги кўприкларни мукамал таъмирлаш	61 км	2022	5 500,0 ✓	ИЛ	110,0 ✓		110,0 ✓	110,0 ✓	2022 йил	ЎзР ВМ раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, 87485-сонли лот бўйича 25.05.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Хоразмйўллойиха" МЧЖ
9	4P20 "Қорасув қ.-Бўқа ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш	24 км	2022-2023	22 186,0	ИЛ	439,3 ✓		439,3 ✓	439,3 ✓	2022 йил	ЎзР ВМ раёсати мажлисининг 2022 йил 31 августдаги 138-сонли баёни	"Йўл инжиниринг лойиха" МЧЖ
9	Жами:			50 086,0		997,4		997,4	997,4			

"КИРИТИЛДИ"

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси ДУК директори

С.Юсулов

2022 йил



Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси бошқармаси

Р.Худойназаров

2022 йил

(Handwritten signature of R. Xudonazarov)

"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, давлат ривожланиш дастурларини молиявий тартибга солиш Департаменти директори

С.Садуллаев

2022 йил

(Handwritten signature of S. Sadullaev)

(Handwritten signature)

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 149971 на приобретение 4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 21.09.2022

Время рассмотрения 21.09.2022 15:05

Закупочная комиссия Умумий фойдаланишдаги автомобиль йулларини куриш ва реконструкция қилиш Дирекцияси ДУК., (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ISAYEV DILMUROD IBRAGIMOVICH	Бош мухандис	"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК
Секретарь комиссии	ESONOV ABRORJON XASANBOY O'G'LI	Бош мутахассис	"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекция" ДУК
Член комиссии	MANNONOV SANJAR SARVAROVICH	Бўлим бошлиғи	"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК
Член комиссии	MAXKAMOV XUSNIDDIN KAMOLOVICH	bo'lim boshlig'i	Umumiy foydalanishdagi avtomobil yo'llarini qurish va rekonstruksiya qilish direksiyasi DUK
Член комиссии	ISMAILOV EGAMBERDI XUDAYBERGANOVICH	Директор ўринбосари	"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК
Член комиссии	OMONOV KAMOLIDDIN SHAROFIDDIN O'G'LI	Етакчи юриконсульт	"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК
Член комиссии	ZAXIDOV GULOM YAKUBJANOVICH	Бўлим бошлиғи	"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК
Член комиссии	QO'NISHEV ULUG'BEK SULAYMANOVICH	Бўлим бошлиғи	"Umumiy foydalanishdagi avtomobil yo'llarini qurish va rekonstruksiya qilish direksiyasi" DUK

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.09.2022 года № лота 149971.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 65.00 / Весовой коэф. ценовой части: 35.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги в области архитектуры, связанные с проектами строительства нежилых зданий и сооружений
Подробное описание	4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларин ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	146 990 000.00
Стартовая сумма	146 990 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги в области архитектуры, связанные с проектами строительства нежилых зданий и сооружений
Подробное описание	4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларин ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	341 102 000.00
Стартовая сумма	341 102 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Сўнги уч йил давомида бажарган иш тажрибаси (экспертиза хулосалари ва асословчи ҳужжатлар билан). 4-илова

Тип: Текстовое значение

Описание: 1.Уч йилда танлов предметига ўхшаш иш ҳажми жами 1 млрд сўмдан кўп бўлиши. 2.Охирги уч йил танлов предметига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Бюджетмачи бошланғич нархнинг 20%) ва ундан кўп. 3.Танловдагига ўхшаш профил бўйича охирги 3 йилда ўз кучи билан 5 тадан кам бўлмаган ишчи лойиҳа, ишчи ҳужжат ва ТИА (ТЭО) ҳужжатларини ишлаб чиққанлиги. (экспертиза хулосаси билан тасдиқланади). 4.Танловга қўйилган объект жойлашган ҳудудга танлов иштирокчиси (филиали) жойлашган юридик манзилени яқинлиги (муаллифлик назорати олиб бориш ва ҚМИ жараёнидаги муаммоларни жойида хал қилиш учун)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ГУП О'ЗҶО'ЛЛОҲИНА ЛОҲИНА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ	26	26	26	Экспертная		
ҲО ЛИНЖИНИРИНГ ЛОҲИНА ООО	26	4-илова	26	Экспертная		
ООО ТОШТЕМИРҲО'ЛЛОҲИНА	26	4-илова	7	Экспертная		
ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP	26	4-илова	7	Экспертная		

Критерий №2 Иштирокчининг молиявий ҳолати. 3-илова

Тип: Текстовое значение

Описание: 1.Бюджет олдида қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома (тегишли давлат солиқ таш том-дан тас-ган). 2.Таш-нинг тегишли даври учун ходимларнинг ўртача йиллик сони ва иш ҳақи жам тўғ-да маълумотнома, 180 млн. с.дан кам бўлмаслиги лозим (тегишли дав солиқ таш том-дан тас-ган). 3.Танлов иштирок-нинг ҳисоб рақамида буюртмачи том-дан қўйилган объектнинг бошланғич қийматини 20% дан кам бўлмаган маблағ бўлиши лозим (тег банк том-дан берилган маълумотнома ёки кафолат) 4.Асосий восита қолдиқ қий 500 млн. 5.Муддати ўтган кредитор қарздорликни мавжуд эмаслиги. 6. Ўтган йилда 150 млн.сўм фой мав

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ГУП О'ЗУО'ЛЛОЙНА ЛОЙНА-QIDIRUV INSTITUTI	26	26	26	Экспертная		
YO LINJINIRING LOYINA OOO	26	3-илова	26	Экспертная		
ООО TOSHEMIRYO'LLOYINA	26	3-илова	18	Экспертная		
ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP	26	3-илова	11	Экспертная		

Критерий №3 Таклиф этилаётган субпудратчилар рўйхати ва субпудратчилар томонидан лойиҳанинг турли қисмларини бажариб бериши тўғрисида кафолат хатлари. 7-илова

Тип: Текстовое значение

Описание: Субпудратчи ташкилотларнинг мавжудлиги: Баллар субпудратчи ташкилотлар сонига мутаносиб камайтирилади (Ўз кучи билан бажариш тўғрисида лойиҳачининг кафолат хати асослантирувчи ҳужжатлар билан тақдим этилганда энг юқори балл билан баҳоланади).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ГУП О'ЗУО'ЛЛОЙНА ЛОЙНА-QIDIRUV INSTITUTI	5	5	4	Экспертная		
YO LINJINIRING LOYINA OOO	5	7-илова	4	Экспертная		
ООО TOSHEMIRYO'LLOYINA	5	7-илова	4	Экспертная		
ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP	5	7-илова	1	Экспертная		

Критерий №4 Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати. 8-илова

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов ҳужжатларида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ГУП О'ЗУО'ЛЛОЙНА ЛОЙНА-QIDIRUV	5	5	4	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INSTITUTI						
YO LINJINIRING LOYIHA OOO	5	8-илова	5	Экспертная		
OOO TOSHEMIRYO`LLOYIHA	5	8-илова	5	Экспертная		
OOO OPTIMAL ARCHITECT GROUP	5	8-илова	5	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумотлар. 2-илова

Тип: Текстовое значение

Описание: 1.5 кишидан кам бўлмаган малакали лойиҳачи ва мутахассисларнинг мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга) 2.Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган автомобиль йўллари ва кўприкларни лойиҳалаш бўйича 1 та лойиҳа бош муҳандиси (ЛБМ) нинг мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга) 3.Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган автомобиль йўллари ва кўприкларни лойиҳалаш бўйича 4 та муҳандис техник ходимлар мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ГҲП О`ЗҲО`ЛЛОҲНА LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI	14	14	14	Экспертная		
YO LINJINIRING LOYIHA OOO	14	2-илова	14	Экспертная		
OOO TOSHEMIRYO`LLOYIHA	14	2-илова	14	Экспертная		
OOO OPTIMAL ARCHITECT GROUP	14	2-илова	3	Экспертная		

Критерий №6 Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган жиҳозлар ва техникаларнинг рўйхати. 6-илова

Тип: Текстовое значение

Описание: Жиҳозлар ва техникаларнинг тўлиқ комплекти бўлган ҳолатда (5 та компьютер, 2 та принтер, 1 та плоттер, 1 та лицензияли дастур, 1 та автомобиль, асословчи ҳужжатлар билан).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ГҲП О`ЗҲО`ЛЛОҲНА LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI	10	10	8	Экспертная		
YO LINJINIRING LOYIHA OOO	10	6-илова	10	Экспертная		
OOO TOSHEMIRYO`LLOYIHA	10	6-илова	4	Экспертная		
OOO OPTIMAL ARCHITECT GROUP	10	6-илова	2	Экспертная		

Критерий №7 Иштирокчининг ташкилий шакли. 1-илова

Тип: Текстовое значение

Описание: 1.Ташкилотда иккитадан кам бўлмаган бўлимнинг мавжудлиги 2.Ташкилотнинг архиви ва лойиҳалаш хонасининг мавжудлиги (кадастр ҳужжатлари нусхаси ёки ижара шартномаси нусхаси) 3.Техник бўлимнинг мавжудлиги 4.Материал техник таъминот хизматининг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ГҲП О'ЗҲО'ЛЛОҲНА ЛОҲНА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ	5	5	5	Экспертная		
ҲО ЛИНЈИНИРИНГ ЛОҲНА ООО	5	1-илова	5	Экспертная		
ООО ТОШТЕМИРҲО'ЛЛОҲНА	5	1-илова	3	Экспертная		
ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP	5	1-илова	1	Экспертная		

Критерий №8 Объектни жойида ўрганганлиги тўғрисида маълумот. 5-илова

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни жойида бориб ўрганганлиги (тушунтириш хати, объектнинг тахминий қиймати, объектнинг режаси, кўприкнинг умумий кўриниши, материалларни олиш манбалари ва ташиш масофаси тўғрисида маълумотлар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ГҲП О'ЗҲО'ЛЛОҲНА ЛОҲНА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ	9	9	1.4	Экспертная		
ҲО ЛИНЈИНИРИНГ ЛОҲНА ООО	9	5-илова	9	Экспертная		
ООО ТОШТЕМИРҲО'ЛЛОҲНА	9	5-илова	1.4	Экспертная		
ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP	9	5-илова	1.4	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ҲО ЛИНЈИНИРИНГ ЛОҲНА ООО	488 092 000.00	439 282 800.00 UZS	439 282 800.00	00.00	439 282 800.00	20.09.2022 12:25:40	35
ГҲП О'ЗҲО'ЛЛОҲНА ЛОҲНА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ	488 092 000.00	463 687 400.00 UZS	463 687 400.00	00.00	463 687 400.00	19.09.2022 18:14:14	33.15789

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО TOSHTEMIROYO`LLOYINA	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP	Не прошел	Не прошел	Не прошел
YO LINJINIRING LOYINA OOO	64.35	35	99.35
ГУП O`ZYO`LLOYINA LOYINA-QIDIRUV INSTITUTI	57.46	33.15789	90.61789

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 149971 от 21.09.2022 года на приобретение 4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш определила победителем:

YO LINJINIRING LOYINA OOO
300045402

и резервный исполнитель: ГУП O`ZYO`LLOYINA LOYINA-QIDIRUV INSTITUTI (305756527)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ISAYEV DILMUROD IBRAGIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	MANNONOV SANJAR SARVAROVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXKAMOV XUSNIDDIN KAMOLOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISMAILOV EGAMBERDI XUDAYBERGANOVICH	Согласен	
Член комиссии	OMONOV KAMOLIDDIN SHAROFIDDIN O`G`LI	Согласен	
Член комиссии	QO`NISHEV ULUG`BEK SULAYMANOVICH	Согласен	
Член комиссии	ZAXIDOV GULOM YAKUBJANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Танлов комиссияси раиси
“Умумий фойдаланишдаги
автомобиль йўлларини қуриш ва
реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК
бош муҳандиси

Д. Исаев



“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи танлов комиссияси йиғилишининг

149971/1 - сонли баёни

Тошкент ш.

“24” 09 2022й.

Комиссия раиси: Д.Исаев

Комиссия аъзолари: Д.Исаев, Э.Исмаилов, Х.Маҳкамов, С.Маннонов,
У.Қўнишев, Ғ.Зоҳидов, К.Омонов

Комиссия котиби: А.Эсонов
(Дирекциянинг 2021 йил 16 ноябрдаги Танлов комиссиясини ташкил қилиш бўйича 112-Б-сонли буйруғи)

Кун тартиби:

1. 4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш объектини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома имзолаш.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси Ғ.Зоҳидов маълумот берди.

Дирекциянинг танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 21 сентябрдаги **Лот №149971-сонли баёнига асосан 4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш** объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун **2022 йил 13 сентябрдаги Лот №149971** лот номер орқали эълон қилинган энг яхши таклифларни танлашда **"YO'LINJINIRING LOYIHA" МЧЖ** энг яхши таклифларни танлаш ҳолиби деб эълон қилинди ҳамда энг яхши таклифларни танлаш натижалари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли қонунининг 62-моддасида белгиланган тартибда баённома ҳолиб аниқланган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди ва икки иш қуни ичида танлаш

иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли қонунига асосан, 4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун "YO'LINJINIRING LOYIHA" МЧЖ билан шартнома тузиш таклифи берилди.

ҚАРОР ҚИЛДИ:

4P20 "Қорасув қ.-Бўка ш.-Бекобод ш." автомобиль йўлининг 6,93 км даги темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични мукамал таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун "YO'LINJINIRING LOYIHA" МЧЖ билан белгиланган тартибда шартнома имзолансин.

Баёни ёзиб борувчи
комиссия котиб



А.Эсонов

Комиссия азолари:

Директор ўринбосари



Э.Исмаилов

Қурилиш ва реконструкция қилиш
бўлими бошлиғи



Х.Маҳкамов

Техник кузатув ва бажарилган
ишларни қабул қилиш бўлими
бошлиғи




С.Маннонов

Шартномалар ва танлов савдоларини
ташқил этиш бўлими бошлиғи



У.Қўнишев

Лойиҳавий таъминлаш бўлими
бошлиғи



Ф.Зоҳидов

Етакчи юрисконсулт



К.Омонов